

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.90.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ  
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ**

**МУРАДОВ РАХИМЖОН ХАКИМЖОНОВИЧ**

**ПУШТАГА БУҒДОЙ ЭКУВЧИ ТЕХНИК ВОСИТАНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ ВА УНИНГ АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical  
sciences**

**Мурадов Рахимжон Хакимжонович**

Пуштага буғдой экувчи техник воситани ишлаб чиқиш ва унинг асосий  
параметрларини асослаш ..... 3

**Мурадов Рахимжон Хакимжонович**

Разработка и обоснование основных параметров технического средства  
для посева пшеницы на сформированные грядки ..... 19

**Muradov Rakhimjon Hakimjonovich**

Working out seeding technical mean and founding its basic parameters..... 34

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works ..... 37

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.90.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ  
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ**

**МУРАДОВ РАХИМЖОН ХАКИМЖОНОВИЧ**

**ПУШТАГА БУҒДОЙ ЭКУВЧИ ТЕХНИК ВОСИТАНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ ВА УНИНГ АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/T1468 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университети Анджон филиалида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.nmpi\\_@edu.uz](http://www.nmpi_@edu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Худайбердиев Толибжон Солневич техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Мансуров Мухторжон Тохиржонович техника фанлари доктори Худайбердиев Тохиржон Латифович техника фанлари номзоди, доцент
Етабчи ташкилот:	Фаргона политехника институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-қурилиш институти ҳузуридаги PhD.30.09.2019.T.90.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «26» ИЮН соат 15<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 160103, Наманган, Ислам Каримов кўчаси, 12-уй. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (+99869) 234-15-23, e-mail: [nmpi\\_info@edu.uz](mailto:nmpi_info@edu.uz)).


Диссертация билан Наманган муҳандислик-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2519 рақами билан рўйхатга олинган) Манзил: 160103, Наманган, Ислам Каримов кўчаси, 12-уй. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (+99869) 234-15-23, e-mail: [nmpi\\_info@edu.uz](mailto:nmpi_info@edu.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «12» ИЮН кунин тарқатилди.  
(2020 йил «30» МАЙ даги № 6 рақамли реестр баённомаси).



  
Н.Г. Байбобоев  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
раиси в.а.б., т.ф.д., доцент

  
В.М. Турдалиев  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.д., доцент

  
А.Х. Умурзаков  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда буғдойдан юқори ҳосил олиш учун инновацион ғоялар ва технологиялар, универсал ва мақбул техник воситаларни яратиш, ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим ўрин тутди. Республикада ҳам қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш бўйича муҳим қарорлар ва кўплаб чора–тадбирлар амалга оширилмоқда. Дон ва дон маҳсулотларига бўлаётган талабнинг ортиши универсал, ресурстежамкор технологиялар ва техник воситаларни ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида буғдой экишда уруғни экин майдон юзаси бўйлаб тенг ва экиш чуқурлиги бўйича бир хил жойлашини таъминлай оладиган технологиялар ва машиналарни ишлаб чиқишга эътибор берилмоқда. Чунки, кузги буғдойни экишдан токи ҳосилини йиғиштириб олишгача бўлган сарф–ҳаражатларнинг аксарият қисми техникаларга сарфланиши сир эмас. Республикада деҳқончилик технологияси суғорма деҳқончиликка асосланган бўлиб, экин майдоннинг ниҳоятда камлиги сабабли, ҳар бир ердан унумли фойдаланиш мақсадида экинлардан юқори ҳосил олишни таъминловчи ресурстежамкор, комбинациялашган илғор технологиялар ҳамда техник воситаларни яратиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Майдонларга суғориш ариқчаларини очиш, уруғ сепилган юзани беркитиб зичлаш, ҳар бир уруғ учун керакли озуқа майдонини таъминлайдиган буғдой экиш машиналарини яратиш ва кенг миқёсда амалиётга жорий этиш зарур ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони (ПФ–4947–сон) да, жумладан «... 2017–2020 йиллар учун мўлжалланган экин майдонларини оптималлаштириш, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий интенсив агротехнологияларни жорий этиш», « ... 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд кўпайтириш, ...»<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланган бўлиб, ғаллачиликда кўйилган вазифаларни бажариш учун, очиқ майдонларда буғдойни экиб, суғориш ариқчаларини очиб кетадиган технологияларни такомиллаштириб, буғдой экишга сарфланадиган ҳаражатларни камайтириш орқали етиштириладиган ҳосилнинг миқдорини кўпайтириш ва таннархини пасайтириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ–2460–сонли «2016–2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида» ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ–3003–сонли «Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис–техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида» ги қарорида «... аграр соҳасида замонавий қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаси, машина ва механизмлари, сув

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора–тадбирлари тўғрисида” ги ПФ–5742–сон Фармони, Тошкент ш., 2019 йил 17 июнь.

тежайдиган технологияларни кенг қўллаш ва жорий этиш бўйича стратегик вазибаларни самарали ечиш, ...», 2017 йил 7 июлдаги ПҚ–3117–сонли «Қишлоқ хўжалигида машинасозлик соҳаси илмий–техникавий базасини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида» ги, 2019 йил 31 июлдаги ПҚ–4410–сонли «Қишлоқ хўжалигида машинасозликни жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб–қувватлашга оид чора тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари ва бошқа низомларда алоҳида таъкидланган вазибаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Буғдой ва бошоқли дон экинлари уруғларини экиш олдида тупроққа ишлов берадиган, экадиган машиналар ва уларнинг турли ишчи органларини яратиш ва параметрларини асослаш, иш кўрсаткичларини ўрганиш ва қўллаш бўйича хорижда Ж.Б.Абильденов, Е.Ж.Каспаков, К.Г.Исенов, Т.К.Тулегенов, (Қозоғистон), В.И.Ильин (Беларуссия), А.Н.Смирнов, Е.И.Давидсон, В.В.Демчук, А.Б.Лурье, Г.М.Бузенков, М.К.Амирханов, В.К.Бурлаков, И.Д.Комаристов, А.И.Беднов, А.П.Глотов, Б.Ломакин, С.А.Ивженко, А.Й.Викторов, М.А.Адуов, С.В.Кардашевский, Е.И.Борисенко, Х.С.Гайнанов, Ю.А.Вейс, Г.К.Демидов, Ю.В.Поздняков, А.Я.Карпенко, А.С.Архипов, М.Х.Каскулов, В.Г.Демидов, М.Б.Ероков, Л.М.Максимов, (Россия), К.Дирк (Германия) ва бошқа олимлар томонидан тадқиқотлар ўтказилган.

Республикада буғдой ва бошоқли экинларни экиш технологияси ва техник воситаларини такомиллаштириш ҳамда ишлаб чиқиш бўйича Т.С.Худойбердиев, А.Тўхтақўзиев, А.К.Игамбердиев, М.Мансуров, А.Ибрагимов, А.Мирзаахмедов, А.Жахонгиров ва бошқа тадқиқотчилар томонидан илмий–тадқиқот ишлари олиб борилган.

Бу тадқиқотларда ғўза қатор оралари ва очик майдонларга уруғни маълум чуқурликка экиш машиналари ўрганилган бўлиб, экишга тайёрланган очик майдонларда уруғларни сепиб, суғориш ариқчаларини очиб, уруғ сепилган юзани тупроқ билан беркитиб ва бир хил чуқурликка кўмиб, зичлаб, экилган уруғ учун маълум иссиқлик ва намлик режимини яратадиган машиналарнинг конструкциясини ишлаб чиқиш ҳамда параметрларини асослаш бўйича масалалар етарли даражада ўрганилмаган. Ушбу диссертация иши юқоридаги муаммо ва таклиф ҳамда қарорлар доирасида бажарилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали илмий–тадқиқот ишлари режасининг 3.16 - «Қишлоқ ва сув хўжалигини механизациялаштириш муаммолари КХА–3–005–2015 «Ѕўза

катор ва очик майдонларга дон уруғини экувчи ресурстежамкор универсал сеялкалар конструкциясини яратиш» мавзусидаги лойихаси асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** очик майдонга буғдойни сепиб, суғориш ариқчаларини очиб, суғориш ариқчаларидан чиққан тупроқ билан буғдойни бир хил чуқурликка кўмиб, талаб даражасида зичлаб кетадиган техник воситани ишлаб чиқиш ва унинг асосий параметрларини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

очик майдонларда буғдой етиштиришнинг ҳозирги ҳолати, буғдойни пуштага экишнинг афзаллиги ва уни амалга оширадиган техник воситаларни яратиш бўйича бажарилган илмий–тадқиқот ишларини таҳлил этиш;

буғдой экишга тайёрланган очик майдонда бир ўтишда уруғларни сепадиган, суғориш ариқчаларини очадиган, ушбу эгатлардан чиқадиган тупроқ билан уруғларни бир хил қалинликда кўмиб кетадиган техник восита конструкциясини ишлаб чиқиш;

буғдойни сепадиган, суғориш ариқчаларини очадиган, ушбу эгатдан чиққан тупроқ билан сепилган буғдойни бир хил қалинликда кўмиб кетадиган техник воситани ишлаб чиқиш ва унинг ишчи органларини асосий параметрларини асослаш бўйича назарий ва экспериментал тадқиқотлар ўтказиш;

ушбу технологияни бажарадиган техник воситанинг тажриба нусхасини тайёрлаш ва унинг дала синовларини ўтказиш;

ишлаб чиқилган техник воситанинг техник–иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** буғдой экишга тайёрланган майдонга сепиладиган буғдой, суғориш учун очиладиган эгат ва ундан чиқадиган тупроқ микдори, ушбу эгатдан чиққан тупроқни пушта юзасига бир хил қалинликда ёйилиши ва уни зичланиши ҳамда ушбу жараёни бажарувчи технология ва техник воситасининг асосий параметрларидан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** пуштага буғдой сепадиган, суғориш учун эгат очадиган ва унинг тупроғи билан пушта юзасига сепилган уруғларни бир хил қалинликда кўмиб, зичлаб кетадиган техник восита ва унинг ишчи органларининг параметрларини ифодаловчи аналитик ифодадалар, ушбу технологияни бажариш усуллари ва олинган натижалардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида назарий механика, деҳқончилик механикаси, олий математика, математик таҳлилнинг конун ва қоидалари ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатларда белгиланган усуллардан (TSt 63.04.2001, TSt 63.03.2001, РД Уз. 63.03–98) фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** куйидагилардан иборат:

пушталарнинг бутун профили бўйича кузги буғдой уруғини сепиш, суғориш ариқчаларини очиш, ундан олинган тупроқ билан уруғларни бир хил қалинликда тупроқ қатлами билан кўмишнинг илмий асослари ишлаб чиқилган;

бир ўтишда пушталарнинг бутун профили бўйича кузги буғдой уруғини сепиш, суғориш ариқчаларини очиш, ушбу эгатдан чиққан нам тупроқ билан

пуштага сепилган уруғларни бир хил қалинликда кўмишни таъминловчи техник воситанинг конструктив схемаси ишлаб чиқилган ва технологик иш жараёни асосланган;

техник воситанинг тупроқ ёювчи ишчи органи билан пушталар ён бағирларига уюлган нам тупроқни ҳаракат йўналишига маълум сирпаниш бурчаги остида жойлашган махсус ишчи орган орқали сепилган буғдойни бир хил қалинликда кўмиб кетишни таъминловчи жараёнларни ифодаловчи аналитик боғланишлар ишлаб чиқилган;

пушталарга уруғларни бир хил тупроқ қатлами билан кўмиб кетадиган техник воситанинг ишчи органлари сифат ҳамда энергетик кўрсаткичлари уларнинг параметрлари ва ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгаришлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

пуштага сепилган буғдойнинг тепасига суғориш ариқчасидан олинган тупроқни бир хил қалинликда ёйиб кетувчи технология ва техник восита ишлаб чиқилган ва асосий қисмларининг параметрлари аниқланган;

ишлаб чиқилган қурилманинг тузилиши содда, ундан буғдой экиш мавсумида фойдаланилганда ресурсларни (ёнилғи, меҳнат, вақт сарфини ва жалб этиладиган техникалар сонини) камайтиришга ҳамда ишни сифатли бажаришга эришилган;

экилган уруғлар униб чиққандан сўнг ўғитловчи қурилма сифатида фойдаланиш ва экиш технологик жараёнидан сўнг бошқа технологик жараёнларни бажарувчи қурилма сифатида фойдаланиш мумкин, бу эса техник воситанинг самарадорлигини янада орттиради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Ўтказилган тадқиқотлар натижасида очик майдонларга буғдой экувчи техник восита ишчи органларининг конструкцияси ва жойлашув схемаси танланган ва дала синовларида ижобий натижалар олинган. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектга мос услуб ва параметрларни ўлчовчи асбобларни қўллаган ҳолда амалга оширилганлиги, назарий ва амалий бажарилган изланишлар натижаларининг адекватлилиги ҳамда техник воситани ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти экин майдонларга буғдой экишда уруғларни пуштанинг бутун профили бўйича тенг тақсимлаб, бир хил қалинликда тупроқ қатлами билан кўмиб, ортидан зичлаб кетадиган техник восита ишлаб чиқилганлиги, ишчи органларини сифат ва энергетик кўрсаткичларини унинг параметрларига боғлиқлигини ифодаловчи аналитик боғланишлар ҳамда математик моделлар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Амалий аҳамияти эса ишлаб чиқилган техник восита билан бир ўтишда уруғларни белгиланган қалинликдаги тупроқ остига жойлаштириш ҳисобига ёнилғи ва моддий ҳаражатлар ҳамда меҳнат сарфини камайтириш ва иш унумини оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Пуштага буғдой

экадиган техник воситанинг ишчи органлари параметрларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

пуштага буғдой экадиган техник воситанинг саноат нусхасини ишлаб чиқиш ва ишчи қисмларини тайёрлаш учун лойиҳа-конструкторлик хужжатлари «ВМКВ-Agromash» АЖ томонидан лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 9 ноябрдаги 02/023–3583–сон маълумотномаси). Натижада асосланган конструкция ва параметрларга эга бўлган пушта ва эгат ҳосил қиладиган, ҳамда пуштага буғдой экувчи техник воситасини ишлаб чиқариш имконияти яратилган;

пуштага буғдой экувчи техник восита Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали ўқув–тажриба хўжалигида ва Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги «Самандарнинг сеҳрли садоси» фермер хўжалигида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 9 ноябрдаги 02/023–3583–сон маълумотномаси). Натижада буғдойни экишда ишлаб чиқилган техник восита қўлланилганда мавжуд агрегатларга нисбатан ҳар гектар майдонга сарфланадиган эксплуатацион харажатларни 11,6 фоизгача камайиши ҳисобига 115712,0 сўм иқтисодий самара олишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг натижалари 6 та ҳалқаро ва 6 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган. Ишланма 2016–йилда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши томонидан ўтказилган ёшларнинг «Инновацион ғоялар» республика кўрик–танловида иштирок этиб «Қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича энг яхши ишланма» номинацияси бўйича ғолиб деб топилган ва махсус сертификат билан тақдирланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан тузилган. Диссертациянинг асосий қисмининг ҳажми 113 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Буғдой экишнинг ҳозирги ҳолати ва тадқиқот мақсади”** деб номланган бўлиб, унда очик майдонларда буғдой етиштиришнинг ҳозирги ҳолати ҳамда очик майдонларни буғдой экишга тайёрлаш технологиялари ва техник воситалари келтирилган, буғдойни пуштага экишнинг афзаллиги, экишга қўйиладиган асосий агротехника талаблар, пушта ҳосил қилувчи ва суғориш ариқчалари олувчи ишчи қуролларга қўйиладиган агротехника талаблари, тадқиқот ишларида таҳлил этилган, ҳамда тадқиқотнинг мақсади ҳамда вазифалари шакллантирилган.


Муаммо шундаки, СЗ-3,6 типдаги дискли сеялкалар хўжаликларда деярли йўқ ҳисобида, мавжудлари ҳам жуда эскирган. Шунинг учун амалиётда экиш эмас, сепиш усулидан фойдаланиб, КХУ-4, НРУ-0,5 каби мослаштирилган воситалардан фойдаланиб келинмоқда.

Бунда дон уруғининг сарфи меъёрдан ортиқча белгиланади, чунки, майдон юзасига сепилган дон уруғларининг маълум қисмини қушлар ва хашоротлар еб кетиши, ҳар хил касалликлар билан касалланиши ҳамда тупроқ билан кўмилмай, ер юзасида қолган уруғлар совуқ ҳарорат таъсирида нобуд бўлиб кетиши, қолаверса, уруғларни майдон юзаси бўйлаб тенг тақсимланиши ва бир хил чуқурликка кўмилиши таъминланмайди, уруғнинг бир жойга тўпланиб қолиши эса ҳар бир дон уруғига керак бўладиган озуқа майдони талаб даражасида бўлмаслиги сабаб бўлиши, бу эса ниҳолларни турли касалликларга чалинувчан бўлишлиги кузатилмоқда.

Ўтказилган тадқиқотлар таҳлили, олиб борилган изланишлар шуни кўрсатадики, ресурсларни камайтириш ҳамда буғдойдан юқори ҳосил олишга суғориладиган очик майдонларда пушта олиб, уруғларни сепиб, суғориш ариқчаларини очиб, суғориш ариқчаларидан чиққан тупроқ билан бир хил қалинликда кўмишни таъминлайдиган ва бир оз зичлаб кетадиган техник воситани ишлаб чиқиб, уни амалиётда қўллаб эришиш мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Пуштага буғдой экиш технологик жараёни ва сеялканинг ишчи қуроллари параметрларини асослаш”** деб номланган бўлиб, унда буғдой экадиган сеялка ва унинг технологик иш жараёни ҳамда конструкциясини ишлаб чиқиш, ишчи қуролларини турини танлаш, суғориш ариқчаси ва пуштанинг шакли ҳамда геометрик ўлчамлари, сеялка уруғ ўтказгичидаги доннинг ҳаракати ва уни тупроққа тушишини, эгат очгич, тупроқ ёйувчи, текисловчи-зичловчининг асосий ўлчамларини ҳамда буғдой уруғини тупроқ билан текис кўмиш жараёнини назарий асослашга доир тадқиқотларнинг натижалари баён этилган. Сеялканинг афзаллиги шундаки, у бир ўтишда пушта кенглигида буғдой уруғларини текис сепиб, эгатларни очиб, эгатдан чиққан тупроқни пушта кенглиги бўйича бир хил қалинликда ёйиб, уруғларни 3-5 см чуқурликда кўмиб, ёйилган тупроқ қатламини бир оз текислаб-зичлаб кетади (1-расмга қаранг).

Суғориш ариқчасининг шакли трапеция шаклида бўлганда, ковлаб олинган тупроқ ҳажмининг пуштага ёйиладиган қалинлиги қуйидаги ифода бўйича аниқланади (2-расмга қаранг)




1-рама; 2-параллелограмм механизми; 3-бункер; 4-галтакли экиш апарати; 5-ҳаракат узатувчи таянч ғилдирак; 6-уруғ ўтказгич; 7-9-ишчи органларнинг олдинги ва орқа таянч ғилдираги; 8-эгат очгич; 10-тупроқни текисловчи-зичловчи ишчи орган; 11-қулф; 12-тупроқни ёйувчи ишчи орган; 13-грядел; 14-ҳаракат узатмаси; 15-босим ҳосил қилувчи пружина

**1-расм. Пуштага бугдой экадиган сеялканинг умумий схемаси**

$$h_{кўм} = \frac{h_{эм} (a_э + b_a)}{2b_{пушта}} \cdot \kappa \cdot K_{ю}, \quad (1)$$


бунда тупроқнинг юмшатилиш коэффициенти -  $K_{ю}=1,1-1,3$ ; пушта кенглиги -  $b_{пушта}=70$  см; суғориш ариқчаси олингандан сўнг шаклининг сақланиш коэффициенти -  $\kappa=0,8-0,9$  га тенг.



**2-расм. Трапедия кўринишидаги эгат ва пуштанинг шакли ҳамда геометрик ўлчамларининг схемаси**


Трапедия шаклидаги эгатнинг чуқурлиги  $h_{эм}=18$  см, кенглиги  $a_э=20$  см, асос кенглиги  $b_a=5$  см га тенг бўлган ўлчамда очилганда тупроқ қатлами билан бугдойни 3-5 см қалинликда кўмиш учун етарли миқдорда тупроқ ҳосил қилинади. Эгатнинг ушбу қийматлари пуштадаги уруғлар устига ёйиладиган тупроқ уюми қалинлигининг параметрларига боғлиқ ўзгариш графиги қурилган (3- расмга қаранг).

Эгатларни талаб этилган шаклда очилиши, эгат очгичнинг параметрларига боғлиқ. Мақбул параметрлари мавжуд формулалар орқали аниқланди. Шунга кўра, кўкрагининг баландлиги 27 см га, қанотларининг очилиш бурчаги  $30^0-32^0$  га, тишнинг тупроққа кириш бурчаги  $29^0-30^0$  га,




**3-расм. Пуштага ёйиладиган тупроқнинг қалинлигини трапеция шаклида очилган эгатнинг параметрларига боғлиқ ўзгариш графиги**

кенглиги 5 см дан катта бўлиши ва бошқа параметрлар аниқланди (4-расмга қаранг).



**4-расм. Эгат очгичнинг асосий параметрларини белгиловчи схемаси**

Эгатдан чиққан тупроқни пушта юзаси бўйлаб ёйиб кетадиган ишчи орган (5-расмга қаранг) пуштанing ўнг ва чап томонларидан 3-5 см дан юқорисини марказга суриб кетади.



1-қанот; 2-пичоқ

**5-расм. Тупроқни ёювчи ишчи органнинг схемаси**


Тупроқ ёювчи ишчи органнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги  $\gamma$  ни тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш вақтининг энг кам қийматда бўлиш шarti бўйича асослаб олинди. Тупроқ заррасининг сирт бўйлаб сирпаниш вақти аниқланди, бунда қамров кенглиги  $b_c=0,30$  м ва  $v=2,0$  м/с қийматлар учун тупроқ зарраларининг сирпаниш  $t$  вақтини  $\gamma$  ва  $\varphi$  га боғлиқлиги шуни кўрсатдики, ташқи ишқаланиш бурчагининг барча қийматларида  $\gamma$  нинг  $30^0-35^0$  тенг қийматларида  $t$  минимал қийматга эга бўлди.

Тупроқ уюмининг миқдори ортиб кетмаслик шартини ҳисобга олсак,  $\gamma$  нинг миқдорини қуйидаги ифода ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин

$$\gamma = \frac{\pi}{4} - \frac{\varphi}{2}. \quad (2)$$

У ҳолда (2) ифодага тупроқни ташқи ишқаланиш бурчагининг адабиётлардан маълум бўлган қийматларини қўйиб, тупроқни сурадиган ишчи органнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатиш бурчагининг мақбул ( $\gamma=30^{\circ}-32^{\circ}$ ) қийматларини аниқлаймиз.

Текисловчи-зичловчи ишчи органнинг (6-расмга қаранг) асосий ўлчамларини асослашда, унинг тупроққа ботиш чуқурлиги (3) ифода орқали аниқланди.



6-расм. Текисловчи–зичловчининг параметрларини аниқлаш схемаси

$$h_o = \frac{h_{kum}(\rho - \rho_o)}{\rho}, \quad (3)$$

бунда  $h_{kum}$ –пуштага ёйилган тупроқ уюмининг қалинлиги, 3-5 см; пуштага ёйилган тупроқнинг зичлиги,  $\rho_o=1,05-1,10$  г/см<sup>3</sup>; пуштага ёйилган тупроқнинг зичлашдан сўнг зичлиги,  $\rho=1,20-1,25$  г/см<sup>3</sup>; текисловчи-зичловчининг зичловчи қисмининг тупроққа ботиш чуқурлиги  $h_o=0,60-0,65$  см ораликда бўлади.

Ишчи орган олд қанотининг баландлигини қуйидаги формула асосида аниқланади

$$h_{m\bar{o}} \geq K_c \left[ h_{n\bar{y}} + h_{kum} \left( 1 - \frac{\rho_o}{\rho} \right) \right], \quad (4)$$

бунда  $K_c$ -тупроқни уюлиб қолишини ҳисобга олувчи коэффициент,  $K_c=1,8$ ;  $h_{n\bar{y}}$ - тупроқ юзаси нотекислигининг баландлиги бўйича ўртача қиймати, 4-5 см;  $h_{kum}$ -уруғлар устидаги тупроқ қалинлиги,  $h_{kum}=3-5$  см; ишчи орган қанотининг баландлиги  $h_{m\bar{o}} \geq 8,2-8,3$  см ораликда бўлди.

Ишчи орган олд қанотининг ҳаракат йўналишига нисбатан оғиш бурчаги  $\alpha$  қуйидаги ифода ёрдамида топилди

$$\alpha = \frac{\pi}{2} - \varphi . \quad (5)$$

Тупроқнинг ташқи ишқаланиш бурчагининг маълум қийматлари орқали олд қанотининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатиш бурчагининг қиймати  $\alpha=47^{\circ}$  бўлиши ва эни 70 см лиги аниқланди, узунлиги эса манбалар орқали 10 см қабул қилинди.


Диссертациянинг учинчи боби “**Экспериментал тадқиқотларнинг натижалари**” деб номланган бўлиб, унда экспериментал тадқиқотлар дастури, ўтказиш шароити ва услуби, уруғ ўтказгичнинг ўрнатиш баландликларини уруғларнинг ёйилиш даражасига таъсири, эгат очкич, эгатдан чиққан тупроқни ёювчи ва ёйилган тупроқни текисловчи-зичловчи ишчи органларнинг назарий асосланган ўлчамлари бўйича тайёрланган ишчи органлар билан ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Ҳар бир ишчи органнинг синови аввал тупроқ каналида сўнг буғдой экиш учун тайёрланган экин майдонда ўтказилди. Сеялкани ишчи органларининг мақбул ўлчамлари бир ва кўп омилли тажрибалар ўтказилиб аниқланди.


Уруғ ўтказгични ўрнатиш баландлиги бўйича тажрибалар ўтказилиб, пушта юзасидан баланлиги 20 см ва сони 5 та бўлиши мақбул эканлиги аниқланди.

Эгат очгичнинг эгатни очиш жараёнига таъсир кўрсатувчи омиллари, яъни эгат очгич қанотининг очилиш бурчаги, тишининг тупроққа кириш бурчаги ва кенлиги, агрегат тезлиги тадқиқотлар ўтказиш учун танлаб олиниб, тажрибаларни математик режалаштиришда эгатнинг юқориси ва асосининг кенлиги, тортишга қаршилигини баҳолаш мезони сифатида қабул қилинди ва «Хартли-4» режаси бўйича олиб борилди (7-9-расмларга қаранг).


Назарий ҳамда тажрибалардан олинган натижаларни қайта ишлаш натижаси юқорида қўйилган талабни бажариш учун эгат очгичнинг очилиш бурчаги  $62^{\circ}$  ва қанотларининг учларини орасидаги масофа 26 см, тишининг



7-расм. Эгат очгичнинг тортишга қаршилигини унинг тишини тупроққа кириш бурчагига (а) ва эгат асосининг кенлигини ушбу тишининг кенлигига (б) боғлиқ равишда ўзгариш графикалари




*a*




*б*

**8-расм. Эгат очгичнинг тортишга қаршилигини (*a*) ва эгат юқорисининг кенглигини (*б*) эгат очгич тиши кенлигига боғлиқ равишда ўзгариш графиклари**



*a*



*б*

**9-расм. Эгат юқорисининг кенглигини эгат очгич тишининг тупроққа кириш бурчагига (*a*) ва тортишга қаршилигини ҳаракат тезлигига (*б*) боғлиқ равишда ўзгариш графиклари**

тупроққа кириш бурчаги  $30^0$  ва кенлиги 5 см дан катта ҳамда агрегатнинг тезлиги 2,5 м/с қийматларида мақсадга мувофиқ бўлди. Эгат очгичнинг ушбу ўлчамларида эгат юқорисининг кенлиги 21 см, асосининг кенлиги 5 см, унинг тортиш қаршилиги 358 Н ни ташкил этди.


Тупроқни ёювчи ишчи органнинг мақбул параметрларини аниқлаш мақсадида кўп омилли экспериментларни математик режалаштириш усулидан фойдаланилди.

Ишчи органнинг энергетик кўрсаткичларга энг кўп таъсир қилувчи омиллар сифатида очилиш бурчаги, камров кенлиги ва агрегат тезлиги танлаб олиниб тадқиқотлар ўтказилди.


Кўп омилли экспериментни режалаштиришда тупроқ уюмининг ёйилиш кенлиги ва иш органининг тортишга қаршилиги баҳолаш мезони сифатида қабул қилинди ва тажрибалар «Хартли-3» режаси бўйича амалга оширилди.

Назарий тадқиқотлар ҳамда тажрибалардан олинган натижаларни қайта ишлаш натижалари ишчи органнинг очилиш бурчаги  $28^076'$ , камров кенлиги 58,66 см, агрегатнинг ҳаракат тезлиги 2,5 м/с дан юқори, ишчи орган қанотининг узунлиги 62 см га тенг қийматлари мақбул бўлишини кўрсатди (10-11-расмларга қаранг).

Ишчи органнинг ушбу ўлчамларда эгатдан чиққан тупроқни пуштага 34-35 см кенликда ёйиб кетади ва унинг учун ўртача 78-80 Н қаршилик кучини енгиш талаб этилади.




10-расм. Тупроқ уюмининг ёйилиш кенглигини тупроқ ёювчи ишчи органнинг очилиш бурчагига (а), тезлигига (б) ва қамров кенлигига (в) боғлиқ равишда ўзгариш графиклари



11-расм. Тупроқ ёювчи ишчи органнинг солиштирма қаршилигини унинг очилиш бурчагига (а), тезлигига (б) ва қамров кенлигига (в) боғлиқ равишда ўзгариш графиклари

Экспериментал тадқиқотларда назарий тадқиқотларда мақбул деб топилган қийматларга асосланиб, текисловчи-зичловчи ишчи органнинг юза узунлиги 50 мм интервал билан 50 мм дан 150 мм гача бўлган ўлчамларда тайёрланди. Натажада, юзаси мос ҳолда 350 см<sup>2</sup>, 700 см<sup>2</sup>, 1050 см<sup>2</sup> га тенг бўлди. Тупроқни зичлашда ишчи органга 50 Н дан орттирилиб, 0 Н дан 200 Н гача тик юкланиш берилиб тадқиқотлар ўтказилди (12-расмга қаранг).



12-расм. Пушта юзасига ёйилган тупроқ зичлигини текисловчи-зичловчи ишчи органларга қўйилган тик босим кучига боғлиқлик графиги

Пушта юзасидаги тупроқнинг зичлиги агротехник талаб даражаси ( $1,2-1,3 \text{ г/см}^3$ ) да бўлиш учун назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларига кўра ишчи органнинг тупроққа ботиш чуқурлиги  $h_{\sigma}=0,7-0,8 \text{ см}$ , қанотининг баландлиги  $h_{m\sigma}=85 \text{ мм}$ , ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатиш бурчаги  $\alpha=47^{\circ}$  гача, узунлиги  $150 \text{ мм}$ , эни  $700 \text{ мм}$  қийматлари мақбул параметрлар деб топилди. Ушбу параметрлар технологик жараённи сифатли бажаришини тасдиқлади.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Сеялканинг хўжалик синовлари ва техник-иктисодий самарадорлиги**” деб номланган бўлиб, унда ишлаб чиқилган сеялканинг асосий ўлчамлар тавсифи ва хўжалик синовлари ҳамда техник-иктисодий самарадорлик натижалари келтирилган.

Ишлаб чиқилган пуштага буғдой экувчи сеялка (ПБЭС-3.6Х) буғдой экиш учун қўйилган агротехник талабни тўлиқ қаноатлантирди. Иқтисодий кўрсаткичлари ҳисобланганда ПБЭС-3.6Х ни қўллаш мавжуд агрегатларга нисбатан бир гектар майдонга сарфланадиган ресурсларни камайишидан  $115712,0 \text{ сўм}$  гача иқтисод қилади.

## ХУЛОСА

1. Пуштага экилган буғдой тупроқ устки қатламида иссиқликнинг кўпроқ тўпланиши, ҳароратининг юқори бўлиши ҳисобига, бир текис униб чиқади, ниҳоллари яхши ривожланади ҳамда юқори ҳосил беради.

2. Ишлаб чиқилган техник восита очик майдонларга буғдой экишда сифатли иш бажариши ва ресурсларни тежаши ҳамда иш унумдорлигини орттириш имкониятини берди.

3. Пуштага уруғ ўтказгичдан уруғларни тушиш вақти уруғ ўтказгичнинг ўрнатиш бурчаги  $75^{\circ}-90^{\circ}$  ораликда бўлганда, буғдой уруғларини қисқа вақтда тез тушиш имконини бериши асосланди ва уруғ ўтказгичлар тик ҳолатдан  $\pm 10^{\circ}-15^{\circ}$  га қиялатиб ўрнатилганда уруғларнинг ёйилиб тушиши тик ҳолатдаги натижалардан сезиларли фарқ қилмаслиги аниқланди. Тадқиқотлардан уруғ ўтказгичларнинг пушта юзасига нисбатан баландлиги  $20 \text{ см}$ , битта пуштада  $5$  донга ўрнатилиши, буғдойни пушта кенглиги ва юзаси бўйича тенг тақсимланиш даражаси юқори бўлиши аниқланди.

4. Эгат очгич билан трапеция шаклида очилган эгат чуқурлиги  $h_{\text{эм}}=18 \text{ см}$ , юқорисининг кенглиги  $a_{\text{с}}=20 \text{ см}$ , асосининг кенглиги  $b_{\text{а}}=5 \text{ см}$  га тенг қийматлари етарли миқдорда, яъни кенглиги  $70 \text{ см}$  бўлган пуштадаги буғдойни агротехник талаб даражасида  $3-5 \text{ см}$  қалинликда тупроқ билан кўмишни таъминлайди. Эгат очгич қанотининг очилиш бурчаги  $62^{\circ}$  ва қанотларининг орасидаги масофа  $26 \text{ см}$ , тишининг тупроққа кириш бурчаги  $30^{\circ}$  ва кенглигини  $5 \text{ см}$  га тенг бўлиши мақбул параметрлар эканлиги аниқланди. Ушбу параметрлар билан эгатнинг юқорисининг кенглиги  $21 \text{ см}$  гача, асосининг кенглиги  $6 \text{ см}$  гача, тортишга қаршилиги эса  $358 \text{ Н}$  гача бўлиши тажрибаларда аниқланди.

5. Тупроқ ёювчининг қанотини очилиш бурчаги  $29^0$ , қамров кенглиги 58 см, битта ишчи орган қанотининг узунлиги 62 см, агрегатнинг ҳаракат тезлиги 2,5 м/с дан юқори қийматларда бўлиши мақбул параметрлар эканлиги аниқланди. Ушбу параметрларда эгатдан чиққан тупроқ уюмини пуштага 34–35 см кенгликда ёйиб кетади ва тупроқ уюмини ёйиши учун ўртача 78–80 Н қаршилик кучини енгиши талаб этилади.

6. Пушта юзасидаги тупроқнинг зичлиги агротехник талаб даражасида бўлиши учун текисловчи–зичловчининг текисловчи қисмининг баландлиги  $h_{m\delta}=83$  мм га ва ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатиш бурчаги  $\alpha_m = 47^0$  га, зичловчи қисмининг узунлиги  $l_{т-з}=150$  мм ва эни  $L_{т-з}=700$  мм га тенг бўлиши мақбул параметрлар эканлиги аниқланди ҳамда ишчи органга 100-150 Н оралиғида тик юкланиш берилиши мақсадга мувофиқ. 2,5 м/с да 209 Н тортишга қаршиликни кўрсатди ва ундан юқори тезлик билан ҳаракатлантирилса тортишга бўлган қаршилиги минималга интилади.

7. Ишлаб чиқилган техник воситадан йил давомида чопиқ культиватори сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

8. Тавсия этилаётган сеялкани ишлаб чиқаришга жорий этиш бир гектар майдонга сарфланадиган ресурсларни тежаш ҳисобига 115712,0 сўм гача иқтисодий самара олишга эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.90.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-  
СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**АНДИЖАНСКОМ ФИЛИАЛЕ ТАШКЕНТСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО АГРАРНОГО УНИВЕРСИТЕТА**

**МУРАДОВ РАХИМЖОН ХАКИМЖОНОВИЧ**

**РАЗРАБОТКА И ОБОСНОВАНИЕ ОСНОВНЫХ  
ПАРАМЕТРОВ ТЕХНИЧЕСКОГО СРЕДСТВА ДЛЯ ПОСЕВА  
ПШЕНИЦЫ НА СФОРМИРОВАННЫЕ ГРЯДКИ**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация  
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за 2019.4.PhD/T1468.

Докторская диссертация выполнена в Андижанском филиале Ташкентского государственного аграрного университета.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: e-mail: (www.nmpi\_info@edu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	<b>Худойбердиев Толибжон Солиевич</b> доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	<b>Мансуров Мухторжон Тохиржонович</b> доктор технических наук <b>Худайбердиев Тохиржон Латифович</b> Кандидат технических наук, доцент
Ведущая организация:	<b>Ферганский политехнический институт</b>

Защита диссертации состоится «26» ИЮНЯ 2020 г. в 15<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.90.01 при Наманганском инженерно-строительном институте (Адрес: 160103, г. Наманган, ул. Ислама Каримова, 12. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (+99869) 234-15-23, e-mail: nmpi\_info@edu.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-строительного института (регистрационный номер 18519. Адрес: 160103, г. Наманган, ул. Ислама Каримова, 12. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (+99869) 234-15-23, e-mail: nmpi\_info@edu.uz.

Автореферат диссертации разослан «12» ИЮНЯ 2020 года.  
(Протокол рассылки № 6 «30» МАЯ 2020 года).



  
**Н.Г. Байбобоев**  
Председатель научного совета по присуждению  
ученой степени в.и.о., д.т.н., доцент

  
**В.М. Турдалиев**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученой степени, д.т.н., доцент

  
**А.Х. Умурзаков**  
Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученой степени, д.т.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Важное место в мировой практике повышения урожайности и получения высоких урожаев пшеницы занимает внедрение в производство инновационных идей и технологий по разработке и созданию технических средств для возделывания зерновых культур. В Республике также уделяется особое внимание развитию и внедрению передовых технологий механизированных работ в сельскохозяйственное производство. Однако, учитывая всё возрастающую потребность в продукции зерноводства, остаются актуальными вопросы разработки универсальных, ресурсосберегающих технологий и внедрение их в производство.

В развитых странах мира разрабатываются и совершенствуются технологии и технические средства, направленные на выполнение равномерного посева пшеницы как по глубине, так и вдоль всей площади. Учитывая, что эксплуатационные затраты в основном приходятся на механизированные работы, с целью эффективного использования посевных площадей из-за их ограниченности, в Республике также разрабатываются передовые ресурсосберегающие технологии и технические средства для посева семян пшеницы на открытую площадь. Это выдвигает необходимость разработки и широкого внедрения комбинированных агрегатов, позволяющих выполнять посев пшеницы, нарезать оросительные борозды, качественно заделывать семена обеспечивая их при этом необходимой питательной средой.

В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017...2021 годы (Указ Президента Республики Узбекистан за УП-4947 от 7 февраля 2017 года) предусматриваются задачи, в частности, «...модернизация и интенсивное развитие сельского хозяйства... оптимизация посевных площадей... широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий, использование высоко производительной сельскохозяйственной техники» и в целом – «... к 2030 году повышение объёма валового внутреннего продукта в два раза»<sup>1</sup>. Для выполнения этих задач необходимо совершенствовать технологию посева семян пшеницы на открытую площадь с одновременной нарезкой оросительных борозд, позволяющих увеличить урожайность и снизить себестоимость продукции.

Настоящее диссертационное исследование направленное на дальнейшее совершенствование технологии посева пшеницы на открытую площадь с целью повышения урожайности, снижения эксплуатационных затрат и в конечном итоге снижения себестоимости продукции, надеемся, в определённой степени послужит выполнению поставленных задач в

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП-5742 «О мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве», г. Ташкент, 17 июня 2019 года.

Стратегии действий по дальнейшему развитию нашей страны и в ряде других указах Президента, в частности, «О мерах дальнейшего реформирования и развития научно-технической базы сельского хозяйства в период 2016-2020 г.г.» (№УП-2460 от 29 декабря 2015 г.) «О мерах по коренному совершенствованию системы подготовки инженерно-технических кадров для сельского и водного хозяйства» (№ПП-3003 от 24 мая 2017 г.), «О мерах дальнейшего развития научно-технической базы машиностроительной отрасли в сельском хозяйстве» (№ПП-3117 от 7 июля 2017 г.) , «О мерах Государственной поддержки ускоренного развития сельскохозяйственного машиностроения, обеспечения аграрного сектора необходимой техникой» (№ПП-4410 от 31 июля 2019 г.), а также в других нормативно-правовых документах, принятых по этому направлению.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

**Степень изученности проблемы.** Исследованиями по предпосевной обработке почвы, разработке и обоснованию параметров посевных машин и их рабочих органов для посева семян пшеницы и других зерновых культур занимались за рубежом Ж.Б.Абильденов, Е.Ж.Каспаков, К.Г.Исенов, Т.К.Тулегенов, (Казахстан), В.И.Ильин (Белоруссия), А.Н.Смирнов, Е.И.Давидсон, В.В.Демчук, А.Б.Лурье, Г.М.Бузенков, М.М.Земдиханов, М.К.Амирханов, В.К.Бурлаков, И.Д.Комаристов, А.И.Беднов, В.Г.Гнизюмедов, А.П.Глотов, Б.Ломакин, С.А.Ивженко, А.Й.Викторов, М.А.Адуев, С.В.Кардашевский, Е.И.Борисенко, Х.С.Гайнанов, Ю.А.Вейс, Г.К.Демидов, Ю.В.Поздяков, А.Я.Карпенко, М.Х.Каскулов, В.Г.Демидов, М.Б.Ероков, Л.М.Максимов, (Россия), К.Дирк, (Германия) и другие.

